

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12. 2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ФАЙЗИЕВ ХАЙРИДДИН СИРОЖИДДИНОВИЧ**

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ  
ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Файзиев Хайриддин Сирожиддинович**

Давлат бошқаруви органларида юридик хизмат тизимининг  
ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

**Файзиев Хайриддин Сирожиддинович**

Совершенствование организационно-правовых основ системы  
юридической службы в органах государственного управления.....23

**Fayziev Hayriddin Sirozhiddinovich**

Improving the organizational and legal foundations of the legal service  
system in government bodies.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12. 2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ФАЙЗИЕВ ХАЙРИДДИН СИРОЖИДДИНОВИЧ**

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ  
ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Үн148 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Хусанов Озод Тиллабоевич</b><br>юридик фанлар доктори, профессор   |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Маматов Худоёр Тешаевич</b><br>юридик фанлар доктори, профессор<br><b>Файзиев Олим Раимкулович</b><br>юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги</b><br><b>Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари</b><br><b>институтини</b>              |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 19 май куни соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (71) 265-22-52/ (71) 265-17-53; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1100-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (71) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2021 йил 3 май куни тарқатилди.

(2021 йил 3 майдаги 2-рақамли реестр баёнином билан)



**А.С. Турсунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Дж.Х. Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

**Р. Кабулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири саналади. Бугунги кунда дунё мамлакатлари учун ҳуқуқий муҳитни таъминлашдаги ютуқларни ўлчаш воситаси ҳисобланган “Ҳуқуқ устуворлиги индекси” (The Rule of Law Index) рейтингда юқори ўринларни эгаллаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Жумладан, 2020 йилда Дания, Норвегия, Финляндия, Швеция ва Германия каби ҳуқуқ устуворлиги юксак даражада деб тан олинган давлатлар деярли барча кўрсаткичлар бўйича ушбу рейтингда юқори ўринни эгаллади. Бунда мазкур мамлакатларда ҳуқуқий тараққиёт, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва умуман, ҳуқуқий фаолиятнинг ривожланиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда юристларнинг роли тобора ортиб бораётган шароитда улар томонидан шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мақбул, самарали ва таъсирчан воситаларини кўллашнинг янгича ёндашувлари кузатилмоқда. Жумладан, юристларнинг жамиятда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти БМТнинг “Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги” резолюцияси<sup>1</sup> ва “Юристлар ролига доир асосий принциплар”<sup>2</sup> каби қатор нуфузли халқаро ҳужжатларда эътироф этилган. Ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида юридик хизмат институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, юридик хизмат институтини ташкил этишнинг замонавий халқаро стандартлари ҳамда бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўзлаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг “Ҳуқуқ устуворлиги индекси” рейтингда тутган ўрни 128 мамлакат ичида 11 ва 120-ўринлар орасида ўзгариб турибди. Индекснинг 2020 йилдаги умумий рейтингда Ўзбекистон 0,47 балл билан 92-ўринни эгаллади<sup>3</sup>. Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган юристларнинг иш ҳажми кескин ортиб бораётган бир шароитда уларнинг ҳуқуқий мақомини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, қабул қилинган ҳужжатларда<sup>4</sup> юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, давлат органлари юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифалар белгилангани, давлат бошқаруви органларидаги юридик хизмат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

<sup>1</sup> БМТнинг “Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги” номли A/RES/72/119-сон резолюциясининг 16-банди // <https://undocs.org/ru/A/RES/72/119>.

<sup>2</sup> Восьмой Конгресс Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, Гавана, (27 авг. – 7 сент. 1990 г. // [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/role\\_lawyers.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/role_lawyers.shtml).

<sup>3</sup> <https://www.worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/country/2020/Uzbekistan/>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” II бўлимнинг 2.6-банди // <http://www.lex.uz/ru/docs/3107042>.

Бу эса, замонавий жамиятда юрист касбининг роли ва мавқеини, шунингдек юридик хизматнинг мамлакатни янада жадал ривожлантириш ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш шароитидаги аҳамиятини таҳлил қилиш, ривожланган хорижий давлатларда юридик хизмат тизимининг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда юридик хизмат фаолиятининг ташкилий асослари, юридик хизмат ходимлари касбий тайёргарлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-сон, 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон фармонлари, 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сон қарори ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган асосий вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, шу жумладан юридик хизмат масалалари мамлакатимизда кам ўрганилган мавзулардан ҳисобланади. Жумладан, мамлакатимиз етакчи олимларидан Ғ.Абдумажидов, Х.Т.Азизов, З.М.Исламов, М.М.Мамасиддиқов, М.К.Нажимов, Ф.Х.Отахонов, О.Оқюлов, И.А.Хамедов ва О.Т.Хусановларнинг асарларида ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, юридик хизматнинг ташкил этилиши ва фаолияти йўналишлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларида ҳуқуқий ишни такомиллаштиришга оид айрим масалалар ёритилган.

Хорижий мамлакатлар, шу жумладан МДҲ давлатлари олимларидан Ю.М.Аристаков, С.М.Айзин, Т.Е.Березкина, А.А.Гришковец, А.Э.Жалинский, В.П.Иванов, С.В.Кабышев, А.Н.Крамник, К.К.Лебедев, Л.И.Липень, Хартмут Майер (Hartmut Maurer), Б.И.Минц, А.Л.Миронов, А.А.Петров, С.А.Савченко, Ю.Н.Стариков, М.Е.Тарасов, М.Ю.Тихомиров, С.Ю.Филиппова, И.В.Цветков,

Ян Цийко (Jan Ziekow), А.Н.Чашин, Л.В.Щербачева, Зодан Хелге (Helge Sodan), Мак Леод (McLeod T.H.), Мартин Хуфф (Martin Huff) ва бошқа бир қатор тадқиқотчиларнинг асарларида оммавий бошқарувни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, жумладан юридик хизматни ташкил этишга оид масалалар кўриб чиқилган<sup>5</sup>.

Мамлакатимизда мавзуга оид йирик тадқиқот иши ҳуқуқшунос олим Ф.Х.Отахонов томонидан олиб борилган бўлиб, унинг 1992 йилдаги номзодлик диссертацияси “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари юридик хизмати муаммолари” деб аталиб, биринчи марта юридик хизматни идоралараро фаолиятидаги роли, аҳамияти ва бу масалада Ўзбекистонда янги ёндашув вужудга келаётгани ҳамда соҳадаги муаммолар тадқиқ қилинган. Муаллифнинг 2019 йилда ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси “Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари” деб номланиб, унда масаланинг назарий ва ҳуқуқий асослари ва бу борадаги муаммолар, уларнинг тарихий ривожланишини ўрганишга эътибор берилиб, ишда юридик хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлашда адлия органларининг ваколатлари чуқур ўрганилган.

Бироқ юқоридаги тадқиқот ишларидан фарқли равишда давлат бошқарув органларида юридик хизмат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласига бағишланган ушбу тадқиқот ишида юридик хизматнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларига асосий эътибор қаратилган. Тадқиқот ишида илк бора Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органларида юридик хизмат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари монографик даражада замонавий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** давлат бошқаруви органлари юридик хизматлари тизимининг ўзига хос хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш орқали улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

замонавий жамиятда юрист касбининг роли ва ўрни, шу билан бирга юридик хизматнинг мамлакатни янада жадал ривожлантириш ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш шароитидаги аҳамиятини таҳлил қилиш;

ривожланган хорижий давлатларда юридик хизмат тизимининг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда шу асосда миллий

---

<sup>5</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

қонунчиликни такомиллаштириш;

юримдик хизматнинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари ва функцияларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш ва юримдик хизмат фаолияти ва тизимини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

юримдик хизмат фаолиятининг ташкилий асослари, юримдик хизмат ходимлари касбий тайёргарлиги масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

юримдик хизматнинг қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш ишларини ташкил этиш сифати ҳамда самарадорлигини ошириш борасидаги ўрнини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш;

ижро этувчи ҳоқимият органлари фаолиятида қонун устуворлиги принципини таъминлаш механизмида адлия органларининг роли ва ўрнини ўрганиш;

ҳуқуқий воситалар ва технологияларни юримдик хизмат фаолияти нуқтаи назаридан илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

адлия вазирлигининг давлат бошқаруви органлари юримдик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш борасида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви органларида юримдик хизмат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** давлат бошқаруви органларининг юримдик хизмати ҳуқуқий мақоми, вазифалари ва функцияларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, шунингдек юримдик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида мажбурий тартибда юримдик хизматларни ташкил этиш, юримдик хизмат ходимларига қўшимча тўлов ва устамалар белгилаш, шунингдек уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўймасликка доир қоидаларни қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурати асослантилган;

юримдик хизмат ходимларини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартибини жорий этиш зарурати асосланган;

давлат органлари ва ташкилотларининг юримдик хизматларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига адлия органлари ҳузурида уларга юримдик хизматлар кўрсатиш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, кейинчалик уларни республика даражасида марказлаштириш зарурати



ва афзалликлари исботланган;

қонун ҳужжатларида юридик хизмат кўрсатиш марказлари ходимларига қонунчиликка зид бўлган, жумладан қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган ҳужжатлар лойиҳаларининг ижрочиларига қайта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, аниқлаган камчиликларини бартараф этиш тўғрисида юридик хулосалар бериш ҳуқуқини мустаҳкамлаш зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“давлат бошқаруви органларининг юридик хизматлари” ва “давлат бошқаруви органлари тизимида ҳуқуқий иш” тушунчаларининг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

“Юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари” ва “Меҳнат низолари ва уларни судда кўриш хусусиятлари” номли илмий-амалий қўлланмалар тайёрланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг ўқув жараёнини методик таъминлашга ҳамда тингловчиларнинг касбий кўникма ва малакаларини оширишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш зарурати асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, ахборот базасида эълон қилинган статистик маълумотларга асосланган, унда чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва илмий хулосалардан давлат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ фанлари илмий ва назарий базасини янги тушунча ва категориялар билан бойитиши, шунингдек тегишли қонун ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳаларини, идоравий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида давлат юридик хизмат тизимини жорий этишда, шунингдек ишда мавжуд юридик хизмат амалиётини такомиллаштиришга оид бошқа таклифлардан давлат бошқаруви органлари тизимида ҳуқуқий ишни ташкил этишда, бундан ташқари мамлакатнинг юридик таълим муассасаларида давлат-ҳуқуқий тармоғига оид соҳавий фанларни ўтишда (“Давлат бошқаруви асослари”, “Маъмурий ҳуқуқ ва процесс”, “Юридик хизмат” ва бошқ.) ҳамда юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш курсларида, шунингдек тегишли ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий-тадқиқот ишларини тайёрлашда фойдаланилиши

мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Давлат бошқаруви органларида юридик хизмат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида мажбурий тартибда юридик хизматларни ташкил этиш, юридик хизмат ходимларига қўшимча тўлов ва устамалар белгилаш, шунингдек уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўймасликка доир қоидаларни қонунчиликда мустаҳкамлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низомнинг 5, 11 ва 17-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 1-12/1-662/8-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши юридик хизматлар мақомининг қонун ҳужжатларида ҳуқуқий мустаҳкамланишига хизмат қилган;

юридик хизмат ходимларини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартибини жорий этишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 3-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 1-12/1-662/8-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг инобатга олиниши юридик хизмат ходимларининг мавқеини оширишга ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилган;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига адлия органлари ҳузурида уларга юридик хизматлар кўрсатиш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда кейинчалик уларни республика даражасида марказлаштиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 561-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини эксперимент тариқасида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 3 ва 5-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 7 апрелдаги 12/01-02-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши ижро ҳокимияти тизимидаги юридик хизматлар ходимларининг мустақиллигини кафолатлаш асосида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликнинг таъминланишига хизмат қилган;

юридик хизмат кўрсатиш марказлари ходимларига қонунчиликка зид бўлган, жумладан қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига қайта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, аниқлаган камчиликларини бартараф этиш

тўғрисида юридик хулосалар бериш ҳуқуқини қонунчиликда мустаҳкамлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 561-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини эксперимент тариқасида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 13-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 7 апрелдаги 12/01-02-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши тайёрланаётган ҳужжатларнинг сифатини оширишга, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та, жумладан, 1 та монография (ҳаммуаллифликда), 3 та ўқув-услубий қўлланма, шунингдек 17 та мақола, шулардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатида кўрсатилган журнал ва нашрларда (1 таси хорижий нашрларда) ва тезислар кўринишида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 150 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Тадқиқот ишининг **кириш** қисмида (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Давлат бошқаруви органлари юридик хизмати тушунчаси, ташкил этилиши, ривожланиши ва унинг асосий хусусиятлари”** номли биринчи бобида юридик хизмат тушунчаси ва унинг давлат бошқаруви органлари тизимида тутган ўрни, Ўзбекистонда юридик хизмат институтининг ташкил этилиши ва ривожланиш босқичлари, хорижий давлатларда юридик хизматнинг ташкил этилиши ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Диссертант “юрисконсулът” ва “юримдик хизмат” тушунчаларини тахлил килиб, уларнинг ахамиятини кўрсатган.

Муаллиф ушбу бобда айрим тадқиқотчиларнинг юрисконсулът касби тушунчасига оид қарашлари билан илмий мунозарага киришиб, Ўзбекистон Республикасида демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг тарихий даврида мамлакатда муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш роли кучайиб бораётгани, бу эса давлат хизматидаги юристларнинг иш ҳажми кескин ортишига, давлат бошқарув тизимида фаолият юритадиган юристлар, яъни юрисконсулътлар ва умуман олганда юридик хизматлар мақомининг кучайишига кўмак беради, деган фикрни илгари суради. Айни чоғда, юридик адабиётда юрисконсулът – давлат ҳокимияти органлари, корхоналар (концерн, бирлашмалар), ижтимоий-маданий муассасалар, ташкилотлар, ҳуқуқий хизматнинг юридик бўлим (бюроси) бошлиғи, бош (катта) юрисконсулът, юрисконсулът лавозимида бўлган ходим сифатида таърифланиши, бошқа бир қатор олимлар (Ф.Отахонов, Ғ.Абдумажидов, И.С.Шиткина, А.Н.Титиевский ва бошқалар) юридик хизмат атамасига берган таърифларида мазкур институтнинг асосий жиҳатлари инобатга олиниб, ҳозирги кунда ҳам илмий ва амалий нуқтаи назардан ўз долзарблигини йўқотмаганлигини қайд этган.

Шунга кўра, тадқиқотчи томонидан *давлат бошқаруви органларининг юридик хизматлари* деганда, ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ равишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликни таъминлаш орқали, ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий воситалар орқали давлат органининг мулкий ва бошқа манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ижро ҳокимиятининг таркибий тузилмаси тушунилади, деган таъриф берилган.

Ушбу бобда юридик хизматнинг ривожланиш тарихи ҳам ўрганилган, хусусан, Ўзбекистон тарихининг совет давридаги вақти давомида давлат органларида юристларнинг сони нисбатан камлиги сабабли хизмат кўрсатаётган ташкилотлардаги ишлар аҳволига уларнинг таъсири сезиларли эмаслиги боис, юрисконсулътлар фаолияти қонунчилик даражасида деярли тартибга солинмаганлиги қайд этилган. XX асрнинг 70-йилларида мамлакат иқтисодиётини жонлантириш ҳаракатлари муносабати билан давлат органларида юридик хизматга бирмунча эътибор бера бошланди. Юридик хизмат ва ҳуқуқий иш бўйича махсус норматив ҳужжатлар қабул қилинди ва улар кўп йиллар юристлар ишида асосий норматив манбага айланган ҳужжат бўлиб, юридик хизмат ваколатларини сезиларли даражада кенгайтирди ва унинг умумий ролини оширди. Бу вақтга келиб халқ хўжалиги учун юридик кадрлар тайёрлаш ҳам кенгайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, давлатнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат томонидан юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини ошириш, унинг оммавий бошқарувдаги роли ва ахамиятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошлангани кўрсатилади. Шунингдек, диссертант 1993 йилдан

2021 йилгача ҳуқуқий ишни ташкил этиш ва юридик хизмат соҳаси бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги ва мустақил Ўзбекистонда МДХнинг бошқа мамлакатларига нисбатан юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш бўйича қонунчилик жараёни бирмунча аниқ ривожланиш тенденциясига эга бўлганлигига алоҳида эътибор қаратади.

Айниқса, сўнгги йилларда юридик хизмат ходимларининг функционал вазифалари сезиларли даражада кенгайиб, уларга қўшимча ҳуқуқлар берилганлиги, юридик хизматларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси кенгайтирилганлиги, бироқ шундай бўлса-да, муаллиф нуқтаи назарида, кейинги вақтда ҳуқуқий ишни ташкил этиш назарияси ва амалиётида вужудга келаётган янгиликларнинг барчаси уларни илмий ва назарий жиҳатдан англаб етишни талаб қилиши таъкидланади. Хусусан, юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимига юридик кадрлар тайёрлашдан бошлаб, юридик хизматларнинг функционал вазифаларини белгилаш ва уларни амалда татбиқ этиш билан боғлиқ кўплаб янгиликларни ўзида жамлаган норматив ва услубий материалларни чуқур тизимли таҳлил қилиш зарурати мавжуд деган хулосани илгари суради.

Диссертант ушбу бобда айрим хорижий давлатларда юридик хизмат ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, роман-герман (континентал) ва англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб аксарият ривожланган давлатларда (Германия, Франция, Испания, АҚШ, Канада ва бошқалар) давлат органлари фаолиятида қонунийлик, энг аввало, давлат органларининг махсус тузилмалари (Юридик бошқарма, Инсон ресурслари, ҳуқуқий масалалар ва аудит бўйича бошқарма, Мувофиқлаштириш ва режалаштириш бўйича бошқарма) амалга оширадиган ички идоравий назорати ҳисобига таъминланади, деган хулосага келади. Бунда Ўзбекистон учун Германия ва Канаданинг юридик хизмат институтлари фаолиятини ташкил этиш бўйича ижобий тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотишини таъкидлайди.

Диссертациянинг **“Давлат бошқаруви органлари юридик хизмати тизими, ҳуқуқий асослари ва ваколатлари”**га бағишланган иккинчи бобида давлат бошқаруви органлари юридик хизматининг тизими ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқий ишнинг назарий жиҳатлари ҳамда юридик хизматнинг ҳуқуқий иш тадбирларини амалга оширишдаги асосий ҳуқуқий воситалари таҳлил қилиниб, уларни тўғри қўллаш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертант ушбу бобда ўрганилаётган ҳуқуқий категориялар хусусида сўз юритиб, миллий ва чет эл юридик адабиётида давлат бошқарув органининг умумэътироф этилган таърифи мавжуд эмаслиги, жумладан, бир қатор олимлар томонидан ушбу тушунчанинг хусусиятларидан келиб чиқиб, муаллифлик таърифи берилганлиги, Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ёки давлатнинг бошқа қонун ҳужжатларида аниқ мустаҳкамлаб қўйилмаганлигини таҳлил қилиб, ўз навбатида ушбу ҳолат оммавий бошқарув соҳасида давлат функцияларини бажариш сифатига салбий таъсир кўрсатади, деган хулосани илгари суради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини

такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига кириши, шунингдек давлат бошқаруви органларининг таърифи берилмасдан, уларнинг рўйхати қатъий белгилаб қўйилганини танқидий таҳлил қилади.

Тадқиқотчининг фикрича, махсус адабиётда кўп ҳолларда давлат бошқаруви органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари бир хилда кўрилади. Жумладан, Ю.Н.Стариков ижро этувчи ҳокимият ва давлат бошқарувини ва шунга мос равишда ижро этувчи ҳокимият органи ва давлат бошқаруви органини бир хил деб кўради. Муаллиф ушбу фикр юзасидан умумий, аммо принципиал тусга эга бўлган қуйидаги изоҳлар билан чекланади. *Биринчидан*, “ижро этувчи ҳокимият”, “давлат бошқаруви” ва шунга мос равишда “ижро этувчи ҳокимият органи” ва “давлат бошқаруви органи” тушунчалари ўртасида “қисм” ва “бутун” принципи бўйича шаклланган анча мустақкам алоқа мавжуд. Аммо, бунда ушбу категориялар диалектикасини инобатга олиш лозим, яъни мураккаб тузилишга эга объектлар ҳолатида бир бутунлик алоҳида қисмлар йиғиндисига тенг бўлмайди. Шунга кўра, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ижро этувчи ҳокимият функциялари давлат ҳокимияти ушбу тармоғига тегишли бўлмаган органлар томонидан ҳам бажарилиши мумкин. *Иккинчидан*, шуни айтиб ўтиш керакки, тарихий ривожланиш давомида давлат ҳокимияти ижроия органлари муайян ташкилий, функционал ва ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлди.

Давлат органларининг бошқарув тузилмасида юридик хизматнинг ўзига хос ўрни мавжуд бўлиб, ушбу тузилма ишининг хусусияти, мазмуни ва услуби, органнинг бошқа таркибий тузилмалари ишининг мазмуни ва хусусиятларидан тубдан фарқ қилиши билан ажралиб туради. Бироқ, диссертант маъмурий ҳуқуқ субъектлари тизимида давлат (оммавий) хизматчиларининг ўрнини аниқлаш масалаларига бағишланган замонавий ҳуқуқий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида юридик хизмат давлат бошқаруви органининг мустақил таркибий тузилмаси, яъни юридик шахснинг таркибий элементи эканлигини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этадиган юридик хизматни маъмурий ҳуқуқнинг “қисқартирилган” (чекланган) субъекти сифатида тан олиш зарур деган хулосага келади.

Диссертант миллий адабиётда юридик хизматнинг ташкил этилиши билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш юзасидан баён этилган айрим фикр-мулоҳозалар билан баҳсга киришади. Жумладан, Х.Т.Азизовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларини ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонлари”нинг қонунчиликда белгиланган, ўз тузилмаларида 50 тагача штат бирлиги ва 28 тагача алоҳида ташкилотга эга республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларида 1 нафар юрисконсулт штат бирлигини тузиш мақсадга мувофиқ эмаслиги, ҳуқуқий иши арзимас ҳажмда эканлиги сабабли, уларда фақат 0,5 юрисконсулт штат бирлиги ташкил этилиши ёхуд ҳуқуқий ишни

бажариш учун фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида адвокатни жалб этишни мақсадга мувофиқ, деган фикрига қўшилмайди. Муаллиф давлат органи ёки ташкилоти томонидан юридик хизмат ходими функционал вазифаларини тўлиқ ҳажмини амалга ошириши учун адвокатнинг жалб этилиши юрисконсулт ва адвокатнинг ҳуқуқий мақоми ва функциялари ўзига хослиги туфайли мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосани илгари суради.

Ишда ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчиларнинг юридик хизмат асосий вазифаларини аниқлаш борасидаги қарашлари ўрганилган. Хусусан, А.Чашин, Л.Лебедев, С.Айзин, М.Тихомиров ва Б.И.Пугинскийларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, уларнинг фикрларида юридик хизмат “фаолиятининг асосий йўналишлари”, “вазифалари” ва “функциялари” каби тушунчалар аралашиб кетганлигини, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари, бир-бирини тўлдириб, очиб берилиши моҳияти кўздан қочирилганлигини асослантириб, диссертант юридик хизматнинг асосий вазифаларини аниқ белгилаш ҳуқуқий ишнинг ижтимоий аҳамиятли натижаларига эришишига таъсир қилиниши нуқтаи назаридан ғоятда муҳимлиги тўғрисидаги хулосага келади. Муаллифнинг фикрича, юридик хизматнинг асосий фаолият йўналишлари – бу юридик хизмат мақсадини белгиловчи энг муҳим вазифалари, мисол учун, қонунийликни таъминлаш тушунилиши лозим. Ушбу фаолият йўналишлари доирасида бир қанча функциялар, яъни асосий вазифани бажаришга қаратилган вазифалар (мажбуриятлар) тушунилади (масалан, қонунийликни таъминлаш функцияларига ҳуқуқий экспертиза, текширишлар ўтказиш). Энг қуйи поғона сифатида мазкур функциялар доирасидаги аниқ вазифалар, мисол учун, ҳуқуқий экспертизани ўтказишда локал ҳужжатлар, ички буйруқларни ўрганиш, виза қўйиш ёки қайта кўриб чиқиш учун қайтариш тушунилади.

Шу билан бирга, диссертант томонидан ўтказилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, юридик хизмат ходимлари, аксарият ҳолларда, қайд этилган мажбуриятларни лозим даражада бажармайди, бу эса ҳуқуқий иш фаолиятида самарадорликни пасайишига олиб келади. Муаллиф юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи норматив қоидаларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслигини танқидий таҳлил қилади. Хусусан, Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомнинг 19-бандида юридик хизмат органлари айнан қандай қонун бузилиши устидан ва қайси юқори турувчи органга, Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш тартиби ҳамда раҳбариятни бу ҳақида хабардор қилиш ёки қилмаслик, бу каби хабарларни кўриб чиқиш натижалари билан боғлиқ масалалар батафсил кўрсатилмаганлигини қайд этади. Ўз навбатида, ушбу вазифа бўйича Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан алоҳида қўшма қарор билан тасдиқланадиган аниқ Тартибнинг ишлаб чиқилишини таклиф қилади.

Диссертация ишида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнида юридик хизмат ёки юрисконсулт фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган – “ҳуқуқий иш”, “ҳуқуқий масалалар”, “ҳуқуқий ёрдам” (ёки “юридик ёрдам”), “ҳуқуқий хизмат кўрсатиш” (“юридик хизмат кўрсатиш”), “ҳуқуқий маслаҳат”

(ёки “юридик маслаҳат”) каби атамалар қўлланилиши, шу билан бирга, ушбу атамаларнинг мазмуни аниқ ишлаб чиқилмаганлиги натижасида юридик адабиётларда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида мазкур атамаларни ноўрин қўлланилиши каби ҳолатлар кузатилаётганлигини асослантиради. Шунингдек, мазкур масала юзасидан назарияда муқаддам мавжуд бўлган асосий ёндашувларни ва ҳозирги давр юридик адабиётларида ҳуқуқий иш тушунчасига берилган таърифлар таҳлил қилинади. Шу асосда муаллиф томонидан “давлат бошқаруви органлари тизимида ҳуқуқий иш – бу давлат бошқаруви органи юридик хизмати томонидан ушбу орган ва унинг барча таркибий бўлинмаларида ҳуқуқий нормаларнинг ўрнатилиши ва амалга оширилишини ташкиллаштириш ҳамда мувофиқлаштиришга йўналтирилган универсал тусга эга бўлган кўп қиррали фаолиятдир” деган таъриф илгари сурилган.

Шу билан бирга, мазкур бобда ҳуқуқий иш субъектлари ҳақида сўз бориб, давлат бошқарув органлари таркибий бўлинмалари, унинг раҳбарлари ва ходимлари улар томонидан берилган ваколатларга мос ҳолда ҳуқуқий ишнинг ташкилотчилари ва ижрочилари ҳисобланиши, бунда ташкилотлар ҳуқуқий иш жараёнига нафақат ўз ходимларини, балки ташкилотнинг ходимлари бўлмаган ташқи ижрочиларни (адвокатлар, юридик ёки консалтинг фирмалари ходимлари ва бошқалар) жалб этиш зарурати пайдо бўлишини, ҳуқуқий иш ижрочиларининг ушбу гуруҳини эса анъанавий тарзда ташқи ҳуқуқий маслаҳатчилар деб аташни таклиф қилган.

Шунингдек, муаллиф давлат органлари ва оммавий ҳокимият ваколатларига эга ташкилотлар учун давлат бошқаруви мақсадларига эришишда ҳуқуқий ишнинг натижалари ўта муҳим ҳисобланиши ҳақидаги хулосаларини асослантирган.

Диссертациянинг **“Юридик хизмат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш муаммолари”**га бағишланган учинчи бобда юридик хизмат бошқарув тизимининг асосий элементи сифатида адлия органларининг ўрни, юрисконсулт касбий фаолиятидаги муҳим ташкилий-бошқарув компетенциялар, шунингдек юридик хизмат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш истиқболлари қиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганилган.

Диссертант ушбу бобда ўрганилаётган муаммолар хусусида сўз юритиб, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини услубий таъминлаш ва мувофиқлаштириш, улар фаолиятида ташкилий ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни такомиллаштириш борасида адлия органлари муҳим аҳамият касб этади, деган хулосага келади. Унинг фикрича, юридик хизматларни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлашга мўлжалланган адлия идоралари бошқарув тузилмасининг бош элементи бўлиб, ушбу механизмларда етакчи роль ўйнайди. Шунингдек, ташкилий-бошқарув фаолиятида якуний натижага эришиш учун мавжуд барча ресурсларни фаолиятнинг келгусида мураккаблашиш имкониятларига мослаштириши зарур, деган хулосага келади.



Диссертация иши доирасида ўтказилган таҳлиллар натижаси давлат бошқаруви органлари юридик хизмати тизимининг мавжуд модели ташкилий-бошқарув нуқтаи назаридан самарали эмаслиги ҳақида хулоса қилинади. Шунингдек, давлат юридик хизматининг Канада модели қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижаларини инобатга олган ҳолда, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини юридик таъминлаш бўйича юридик хизматларни жорий этиш ва улар фаолиятини таъминлашни кўзда тутадиган моделни яратиш мақсадга мувофиқ, деган фикрни илгари суради. Муаллифнинг фикрига кўра, юридик хизматларнинг бу каби марказлашуви ўзини самарали ишлайдиган шакл сифатида намоён этишига барча асослар мавжуд. Чунки бу юқори сифатли давлат ҳуқуқий хизматларини тақдим этиш ва юридик хизмат ишини ягона, аниқ, йўлга қўйилган механизм сифатида ташкиллаштиришга имкон яратади.

Бу эса, ўз навбатида, юрисконсулт касби нуфузини ошириш, давлат органи раҳбариятининг ҳуқуқшунос фикрига ҳурмат билан қараш, юристнинг ижобий фикрисиз бошқарув қарорини қабул қилиш мумкин эмаслигини таъминлаб беради.

Мазкур бобда тадқиқотчи юрисконсулт компетентлигининг муаммовий масалаларини ҳам ўрганади. Жумладан, муаллиф *ташкилий-бошқарув компетенцияси* касбий компетентликнинг энг муҳим таркибий қисмига айланиб бораётганлиги ҳақида хулосага келиб, юрист *шахсий фазилатларга* ва у бажариши зарур бўлган муҳим ижтимоий ролга муносиб *касбий маданиятнинг* тегишли даражасига эга бўлиши кераклигини таъкидлайди. Тадқиқотчининг фикрича, юридик хизматлар касбий маданиятининг умумлашма модели қуйидагиларни акс эттириши керак: 1) давлат ёндашуви; 2) давлат органи ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлик; 3) идоравий ҳамжиҳатликка риоя қилиш; 4) ҳуқуқий ишларнинг профессионалиги ва сифатини ошириш; 5) шахсий ва касбий фазилатларни ривожлантириш.

Диссертант фикрича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги Низом мазкур соҳада кадрларни танлаш ва жойлаштиришнинг амалдаги тартиби шахсий фазилатларни, касбий маданияти даражаси, шу жумладан юрисконсулт лавозимига номзоднинг одоби ва ахлоқий фазилатларини баҳолаш мезонлари ва усулларини ўз ичига олмаган. Натижада эса юрисконсулт лавозимига номзоднинг ёки аввалдан ўз фаолиятини амалга ошираётган юрисконсултнинг шахсий фазилатларига объектив баҳо беришнинг имкони бўлмайдиган шароит вужудга келган. Шу муносабат билан муаллиф юридик хизмат ходимларининг шахсий сифатларини баҳолашнинг илмий асосланган мезонлари ва усулларини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида сўз юритиб, кўриб чиқилган шахсий фазилатлар

мутахассисларнинг касбий жиҳатдан муҳим фазилатларининг асосий категориялари кўринишида тақдим этилиши кераклигини асослаган.

